

РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЙ ИММУНИТЕТ МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Дунё иқтисодиётида кескин ўзгариш ва глобал таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда ҳар бир мамлакат ўз миллий саноатини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиши табиий. Бундай вазиятда маҳаллий саноатни ривожлантириш, иш ўринларини сақлаб қолиш ҳамда янги ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш муҳим. Шу жиҳатдан, бугун юртимизда маҳаллий саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали самарали иқтисодий иммунитет яратиш борасида салмоқли ишлар қилиняпти.

Жумладан, 2025 йил 26 май куни Президентимиз раислигида маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалалар атрофида таҳлил қилинди. Маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, имкониятларни тўлиқ ишга солиш ва долзарб муаммоларни аниқлаш асосий масала сифатида муҳокама этилди.



Бугунги мураккаб геоиқтисодий шароитда иқтисодий мустақиллик ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Маҳаллий саноат эса нафақат иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий драйвер, балки аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллий хомашёни самарали

қайта ишлаш, экспортни диверсификация қилиш ва ташқи иқтисодий хатарларга бардош беришнинг муҳим воситасидир. Ҳозир мамлакатимиздаги тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ва заргарлик соҳаларида қарийб 1 миллион

киши меҳнат қилмоқда. Бу соҳалар нафақат аҳоли бандлигини таъминлайди, балки ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутadi.

Давоми 3-бетда

Замонамиз қаҳрамонлари ОДАМИЙЛИК – БОҚИЙ ФАЗИЛАТ ЮРАККА ЯҚИН ОЛИНГАН ЖАСОРАТ

Сувда чўкиб кетиши муқаррар бўлиб турган икки қизалоқни бир юртдошимиз ўз жонини фидо қилиш эвазига қутқариб қолди. Сўнгги кунларда жамоатчилик эътиборини тортган шу воқеа ўзи сувга оқиб кетган ҳамюртимизнинг қаҳрамонлиги ва жасорати давлат раҳбари даражасида эътироф этилиши, у ва унга кўмаклашган яна бир юртдошимиз муқофотланиши билан якун топди.

Ҳа, бу каби ҳодиса авваллари деярли қузатилмаган. Аниқроғи, сувда чўкиш, сувдан қутқариш, халоскорнинг ўзи нобуд бўлиши ҳолатлари содир бўлган, аммо масалага олий даражада эътибор қаратилиши қузатилмаган. Нари борса, бирор вазирликнинг қимматбаҳо совғасини бериш билан чекланилган.

Гап бунда ҳам эмас. Масала шундаки, икки қизни қутқариб, ҳаётидан мосуво бўлган қаҳрамон бизнинг замондошимиз, ҳар куни бир ҳаводан нафас олиб келган юртдошимиз. Уни балки кўчада кўрган, ёнидан ўтиб кетган, бозорда, жамоат транспортида рўпара келгандирмиз. Лекин у энди ораимизда эмас...

2025 йил 5 май. Соат 18:30 лар атрофида Яккасарой туманида яшовчи 7-8 ёшлардаги икки қизалоқ эҳтиётсизлик

туфайли Бўрижар каналига тушиб кетди. Буни кўрган мард ва жасур ватандошимиз Абдуманнон Самиқов сувга сакраб, нора-сидалар ҳаётини сақлаб қолди. Лекин, афсуски, бахтсиз ҳодиса рўй берди — бу эзгулик йўлида унинг ўзи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу орқали барчамизга, ҳар бир ёшга инсонийлик намунасини кўрсатиб кетди.

— Бундай фидойилик Абдуманнон Самиқовга хос фазилат, — дейди уни яқиндан билган қўшниларидан Исмаилла Ҳамдамов. — Абдуманнон ҳамisha одамларга яхшилик қиладиган, эл қорига ярайдиган, ватанпарвар инсон эди. Оиласи ҳам маҳалламиздаги тинч, намунали хонадон. Фарзандлари ўзи каби хушмуомала, оғир-босиқ, тарбияли.

Давоми 2-бетда

Ислоҳот одимлари САМАРҚАНД – УРГУТ ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Темир йўл катта тармок, уни трансформация қилиш, табиийки, кўп вақт ва маблағ талаб қилинадиган жараён. Бугун анча йиллар аввал трансформациядан четда қолган соҳа ривожини янги босқичга чиқмоқда.

Жорий йил 27 май куни темир йўлларни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган тақдимотда давлатимиз раҳбарига янги лойиҳалардан бири — Самарқанд — Ургут йўли қурилиши бошланиб, 7 километр темир йўл қурилгани маълум қилинди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ бу соҳа тубдан ислоҳ қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, носоҳавий бино, ёндош ер ва ортиқча вазибалар қисқартирилди. Натияжада илгари зарар билан ишлаган компания ўтган йили 47 миллиард сўм соф фойда билан чиқди. “Temiryo‘lkargo” компа-

нияси ташкил этилгач, юк вагонларидан фойдаланиш самарадорлиги 2 қарра ошди.

Лекин ҳали имкониятлар кўп. Самарқанд — Ургут темир йўли лойиҳаси ана шундай имкониятлардан бири. Бу йўналиш узунлиги 54 километр бўлиб, 2 та вокзал, “Ургут” иқтисодий зонасида 2 та юк станцияси қурилади.

Бундан бир неча йиллар аввал ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Ургутга темир йўл бориши орзу бўлган бўлса, бугун реал воқеликка айланмоқда.

Мазкур лойиҳа Самарқанд вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарнинг экспорт ва импорт имкониятини кенгайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Ана шу эзгу мақсад асосида вилоятнинг Жомбой туманидан Ургут томон темир йўл қурилиши бошланди. Ҳозир 10 километрга яқин темир излар ётқизилди. Яъни ишлар амалий босқичга кўчди. Бу лойиҳа халқ учун қулайлик, тадбиркорлар учун самарадорлик, давлат учун эса барқарорлиқдир.

Давоми 2-бетда

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ВА ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ

Пойтахтимизда май ойи сўнггида “Tashkent Law Spring” IV халқаро юридик форуми бўлиб ўтди. 2019 йилдан бён ҳар икки йилда ташкил этиладиган мазкур форум ҳуқуқ соҳасидаги энг йирик халқаро мулоқот майдонларидан бирига айланган. Бу йилги тадбирнинг асосий мавзуси “Рақамли технологиялар даври: келажакка ҳуқуқий назар” бўлиб, жаҳон юридик ҳамжамиятини рақамлаштириш жараёнидаги янги таҳдидлар ва имкониятларни муҳокама қилишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Давлатимиз раҳбари “Tashkent Law Spring” тўртинчи халқаро юридик форуми иштирокчиларига йўлаган табрик сўзида “Анжуман доирасида илк бор Ёшлар форуми ўтказилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Чунки бу соҳалар ривожини ёш авлоднинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро,

навқирон ҳуқуқшуносларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этишда бундай самарали мулоқот майдонларининг аҳамияти ғоят каттадир”, дея алоҳида қайд этди.

Давоми 2-бетда

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ҒОЯСИ ВА МАЗМУНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Тадқиқотлар болалар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ахборот ҳажми йилдан йилга ошиб бораётганини кўрсатяпти. Бу эса ахборот муҳитини миллий онг ва руҳият учун хавфли майдонга айлантирмоқда. Шу боис, бугун миллий контент нафақат эстетик завқ уйғотувчи томоша, балки миллатнинг маънавий муҳофазасига хизмат қилувчи қалқон бўлиши зарур.

Президентимиз раислигида жорий йил 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида болалар контентини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилиниши таъкидланди. Марказ болалар тар-

бияси ва соғлиғига салбий таъсир этадиган ахборот маконидаги контентни таҳлил қиладди.

Бугун мамлакатимизда болалар контентини ривожлантириш зарурати кўпроқ нималарда кўзга ташланаётми? Бу бўшлиқни тўлдириш учун қандай чора-тадбирлар қўрилиши лозим? Муҳбиримиз шу саволлар билан соҳа мутахассислари ва экспертларга юзланди.

Давоми 5-бетда

БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ МУҚАДДАС КУТУБХОНАГА “САҲИҲИ БУҲОРИЙ” ВА “СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” ШАРҲЛАРИ ТОРТИҚ ҚИЛИНДИ

Юртимизда диний-маърифий соҳада кечаятган кенг қўламли ислохотлар, ижобий ўзгаришлар инъикоси халқимизнинг ўз ибодатларини эмин-эркин адо этиши учун яратилаётган энгиллик, қулайлик ва имкониятларда ҳам яққол акс этмоқда.

Жумладан, “Ҳаж-2025” мавсуми доирасида юртимиз ҳожилари учун яратилган шарт-шароитлар Саудия Арабистони Подшоҳлигининг “ал-Мадина”, “ар-Риёд”, “ал-Хабар”, “ал-Халиж” каби катта ададга эга нуфузли марказий нашрлари томонидан юқсак эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити муносабати билан йўллаган табригида халқимиз ҳаётида эзгулик, меҳр-муруват, саховат ва олижаноблик рамзи сифатида мустаҳкам қарор топган Қурбон ҳайити бугунги кунда биз учун барча соҳаларда инсон қадри етакчи ўринга чиқаётган янги Ўзбекистондаги кенг

қўламли ислохотлар мазмунига нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани билан янада аҳамиятли бўлиб бораётганини таъкидлаган эди.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг кўп йиллик орузи ушалиб, Ҳаж сафарларига кенг йўл очилди. 1991 йилда 2500 тадан бошланган ҳаж квотаси кейинчалик 5000 тадан ошди. Муборак ҳаж ва умра сафарларига бораётганлар сафи йилдан йилга ортди. Ҳаж сафарига юбориш ишларини янада яхшилаш ва янги босқичга кўтариш тадбирлари амалга оширилиб, 2022 йилда 12 мингдан зиёд зиёратчи ушбу амалларни адо қилиб келди.

Давоми 5-бетда

Бир ҳудуд — бир маҳсулот



ВОДИЛЛИКЛАРНИ
БОЙ ҚИЛАЁТГАН
НЕЪМАТ

Замонамиз қаҳрамонлари ОДАМИЙЛИК – БОҚИЙ ФАЗИЛАТ ЮРАККА ЯҚИН ОЛИНГАН ЖАСОРАТ

Бошланиши 1-бетда

Юртдошимизнинг аёли воқеа тафсилотлари, турмуш ўртоғи сувага тушиб кетган икки қизалоққа ёрдам бериш учун қандай йўл тутгани ҳақида кўп гапирилишни хушламайди. Чунки яқин одамини йўқотгани етмагандек бунга сабаб бўлган воқеани эслаш жуда огир. Ҳаммамиз инсонмиз, ахир!

— Турмуш ўртоғимни билган ҳам, билмаган ҳам уни қаҳрамон, бир инсонни қутқараман деб шахид кетди, дея ҳаққига дуо қиляпти. Ростданам у жуда яхши, ҳалим одам эди. Инсон киприк қоққунча йўқ бўлиши мумкин деган гап жуда тўғри экан. Шу киприк қоққунимизча кўз олдимизда гоийб бўлди. Сувага нур каби тушиб кетди.

2025 йил 3 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бир гуруҳ фуқароларни “Жасорат” медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Унга биноан ўзининг жонини хавф остига қўйиб, юксак жасорат, фидойилик, мардлик каби чинакам инсонийлик фазилатларини яққол намоён

“Асл қаҳрамонларни кўпинча киноларда кўриб катта бўлганмиз. Ёшлигимизда уларга тақлид қилганмиз. Бироқ орамизда ҳам жасорати билан элли лол қолдирадиган ҳақиқий қаҳрамонлар борлиги ҳақида эса доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Шароит тақозо қилганида, уларнинг хатти-ҳаракатига қараб, одамгарчилик ҳали барҳаёт эканини англаймиз.

этгани, хусусан, Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи Бўрижар каналда содир бўлган сувага чўкиш билан боғлиқ фавқулодда мураккаб вазиятга тезкор амалий ёрдам кўрсатиб, вояга етмаган қизларнинг ҳаётини сақлаб қолгани, шунингдек, жамоат ишларида фаол иштирок этиб келгани учун икки ҳамюртимиз “Жасорат” медали билан мукофотланди.

Тошкент шаҳри ҳокимлигида Абду-манноп Самиқовнинг оила аъзоларига ва қутқарув ишларида яқиндан қўмақлашган “Бўрижар” спорт комплекси доворак иш-чиси Нурмуҳаммад Мамасалиевга давлат мукофотларини топириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ҳокими Ш.Умурузқов иштирок этиб, марҳум қаҳрамоннинг оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдириди. Нурмуҳаммад Мамасалиевнинг эса келгуси ишларига муваффақият тилади.

— Бу мукофот — Абдуманноп жасоратининг расмий эътирофи. Халқ қалбидаги энг катта сийлов унинг исми эҳтиром билан ёдга олинмишида, — деди шаҳар ҳокими. — Бундай инсонлар ҳақида қанча ёзсак ва эсласак оз. Бу — инсонийлик ва

ишга жойлаш, уй-жойли қилиш ҳамда доим назорат қилиб бориш топириғини берди. Энди марҳум фарзандларининг ким бўлишини хоҳлаган бўлса, шундай қилиб тарбиялаб, оталиққа олиб, вояга етказамиз. У инсон бошқалар учун ҳаётини тикди, қаҳрамонлик кўрсатди. Барчага намуна бўлди. Унинг фарзандларини тарбиялаш ва вояга етказиш — шараф. Ўйлайманки, бу фарзандлар отаси каби чин қаҳрамон бўлиб улғаяди, — деди Тошкент шаҳри ҳокими.

Асл қаҳрамонларни кўпинча киноларда кўриб катта бўлганмиз. Ёшлигимизда уларга тақлид қилганмиз. Бироқ орамизда ҳам жасорати билан элли лол қолдирадиган ҳақиқий қаҳрамонлар борлиги ҳақида эса доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Шароит тақозо қилганида, уларнинг хатти-ҳаракатига қараб, одамгарчилик ҳали барҳаёт эканини англаймиз. Дунёда жаҳолат, лоқайдлик, ўзгалар мусибатига бепарволик каби иллатлар буй кўрсатиб турган бир даврда бундай фидойилик одамийлик хислатлари боқий эканини эслатиб туради.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохот одимлари

САМАРҚАНД – УРГУТ ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

“Темир йўл вокзалларидан бирини қураётган тадбиркор Анвар Темуровнинг айтишича, беш гектар майдондаги мажмуада замонавий темир йўл ва автовокзал, IT парк, 200 ўринли меҳмонхона, 300 ўринли хусусий мактаб, 200 ўринли болалар мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника бунёд этилади. Шунингдек, тўққизта кўп қаватли турар жой биноси қад ростлайди.

Зарафшон дарёси бўйлаб ўтади ва сўнг-ра ушбу дарё устида барпо этиладиган кўприк орқали Ургут туманига боради. Темир йўл ўтадиган Жомбой, Самарқанд, Тойлоқ ва Ургут туманларининг аҳоли гавжум ҳудудларида бекатлар ташкил этилади. Масалан, Тожикистон билан чегарадош Ургут туманида жойлашган “Жартепа” чегара боғжона пости яқинида бекат қурилади. Бу эса тожикистонликларга юртимиз бўйлаб темир йўл орқали саёҳат қилиш имконини беради.

— Мазкур янги тармоқ юртимиз темир йўли соҳасидаги йирик лойиҳалардан бири, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Анвар Алламуродов. — Бу орқали нафақат “Ургут” эркин иқтисодий зонаси корхоналарининг транспорт тармоғи яхшиланади, балки аҳоли учун ҳам қулайлик яратилади, ҳудудда сайёҳлик ривожланади.

Яна бир муҳим жиҳат юк ташиш логистикаси билан боғлиқ. Темир йўлда махсус

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ВА ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ УЧУН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САКРАШ МАЙДОНИ БЎЛДИ

Халқаро ҳамкорлик

Бошланиши 1-бетда

Халқаро ёшлар юридик форумидан кўзланган мақсад ва эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳусусида **Тошкент давлат юридик университети проректори, юридик фанлар доктори, доцент Ахтам Якубов** қўйидаги фикрларни билдирди:

“Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб, вазиргача, ҳокимдан тортиб, маҳалла раисигача — ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур”.

Бугун бу ғоялар фақат сўзда эмас, балки амалий ҳаракатга айланди. Мана шундай кенг миқёсли ҳамжўрлик натижасида ёшлар ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш, халқаро мулоқот малакаларини ошириш ва замонавий ҳуқуқий соҳаларга жалб этиш стратегик вазифа сифатида белгиланди.

Самара нималарда кўзга ташланади?

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этиши, ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келиши ёшлар соҳасига инвестиция қилишнинг стратегик аҳамиятини янада оширади. 2030 йилга келиб, бу рақамнинг 1 миллионга етиши прогноз қилинаётгани эса ушбу соҳада комплекс ёндашуви талаб этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган қатор муҳим вазифалар ҳам ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмий фаолиятини рағбатлантириш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ёшлар таълими, маънавияти ва касбий малакасини ошириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар самарасида олий таълим муассасалари сони 77 тадан 212 тага, яъни 3 баробар кўпайди. Олий таълимга қамров 9 фоиздан 42 фоизга ўсди. Хотин-қизларнинг олий таълимдаги сони 11 баробар кўпайди.

Халқаро таълим имкониятлари сезиларли ўсди. Ҳозир Ўзбекистонлик 110 минг ёш хорижда таҳсил олмақда. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етти йилда АҚШнинг “Печак лигаси”га кирувчи Гарвард, Йель, Колумбия, Стенфорд, Буюк Британиянинг “Расселл гуруҳи”даги Оксфорд, Кембриж, Бирмингем каби 24 та олийгоҳини 50 нафар ёш битирди. Уларда ўқиётган ёшларимиз сони эса 200 дан ошди.

Юридик таълимда янги ташаббус

Ана шундай кенг қўламли ислохотлар ва ёшларга қаратилган эътибор фонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида Тошкент давлат юридик университети ташаббуси билан илк мартаба 1 халқаро ёшлар юридик форуми ташкил этилди. Форумда Европа, Осиё ва бошқа минтақалардан 10 дан ортиқ давлат вакиллари, шунингдек, хорижий давлат-



ларнинг 100 дан ортиқ университетидан 300 нафарга яқин ёш ҳуқуқшунос талабалар иштирок этиди.

Мазкур тадбир “Tashkent Law Spring” IV халқаро юридик форуми доирасида ўтказилиб, нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун юридик таълим ва халқаро ҳамкорлигининг янги босқичини белгилади.

Форум ёшларнинг ташаббуслари, билим ва салоҳиятига берилаётган эътибор, уларни қонун ижодкорлиги, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва илмий изланишларга фаол жалб этиш сиёсатининг амалий ифодаси сифатида таърифланди.

Инновацион ёндашув ва замонавий вазифалар

Форум доирасида ўтказилган 12 та сессия юридик соҳанинг долзарб йўналишларини қамраб олди. Айниқса, LegalTech ва сунъий интеллект имкониятлари, экологик ҳуқуқ, “яшил иқтисодиёт” ва иқлим адолати, гендер тенглик, инклюзив ёндашув ва ҳуқуқий механизмлар, рақамли ҳуқуқ, киберхавфсизлик ҳамда маълумотларни ҳимоя қилиш каби замонавий қаҳриқлар юзасидан ёшлар ўртасида кенг мунозаралар ўтказилди.

“Ёшлар ҳуқуқий мунозаралари чемпионати”, “Тошкент халқаро медиация танлови”, “Юридик клиника амалиёти” бўйича интерактив воркшоплар, “Миллатлар фестивали” каби тадбирлар ташкил этилди. Бу жараёнлар нафақат касбий малакаларини оширди, балки маданиятлараро мулоқотни ривожлантириб, турли мамлакатлардан келган ёшларга дўстона муносабатларни ўрнатиш имконини берди.

“Chance to Talk with Top” очиқ мулоқот сессияларида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан юқори мартабали давлат раҳбарлари ва юридик мутахассисларига бевосита мунозаарат қилиш имконига эга бўлдилар. Бу имкониятлар ёшларда катта мотивация уйғотди.

Тадбирда бир қатор муҳим таклиф ва ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Жумладан, LegalTech стартапларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ташкил этиш, рақамли ҳуқуқ бўйича минтақавий

марказлар очиш, юридик таълимга сунъий интеллект интеграциясини кучайтириш, ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш бўйича оммавий тарғибот тадбирларини йўлга қўйиш, ёшлар кўча “шеърят театри”ни ташкил этиш ва бошқалар. Бу таклифлар нафақат иштирокчилар, балки хорижлик экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланиб, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳиятига нисбатан ишонч мустаҳкамланганини кўрсатди.

Форумнинг ажралмас қисми сифатида ташкил этилган “Миллатлар фестивали” нафақат маданиятлараро мулоқотни ривожлантирди, балки турли мамлакатлардан келган ёшларга дўстона алоқалар ўрнатиш ва келажақда ҳамкорлик учун пойдевор яратиш имконини берди.

Кун давомида ташкил этилган Ўзбек миллий буюмлари кўргазмаси, жонли куллик намоиши, шаҳар бўйлаб экскурсиялар, флешмоблар, рақс ва жамоавий ўйинлар иштирокчиларни Ўзбек маданияти ва аъёналари билан яқиндан таништирди.



Халқаро эътироф ва экспертлар баҳоси

Германия, Франция, АҚШ, Туркия, Қозоғистон, Россия, Жанубий Корея, Латвия каби давлатларнинг етакчи юридик таълим муассасалари ва ташкилотлари вакиллари форумда ёшлар билан мулоқот қилдилар.

Жумладан, нуфузли халқаро экспертлар қаторида Майами университети (АҚШ), Туриба университети (Латвия), Ажоу университети (Жанубий Корея) ва бошқаларнинг вакиллари бор эди.

Бу эса форумнинг халқаро даражадаги мавқеини мустаҳкамлаб, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий очкиклик, ислохотларга содиқлик ва интеллектуал тараққиёт сари интилишининг ёрқин тимсолига айланди.

БМТ Тараққиёт дастури, UNODC, GIZ, Конрад Аденауэр жамғармаси, OSCE ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар вакиллари форумнинг мазмунан бойлиги, мутахассислик даражаси ва ташкилий шукухи ҳақида ижобий фикрлар билдирди. Уларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон

бугунги кунда нафақат ҳуқуқий ислохотлар марказига, балки ёш ҳуқуқшунослар учун минтақавий илгор платформага айланиш йўлида жадал ҳаракат қилмоқда.

“Европа, Осиё ва Америка китъасидан таширф буюрган ҳуқуқшунос олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари форумнинг долзарб мавзулари, иштирокчиларнинг фаол мулоқоти ва ташкилотчилик савиясига юқори баҳо берди.

Ў халқаро ёшлар юридик форуми нафақат илк марта ўтказилган тадбир, балки янги анъананинг бошланиши ва келажақда ҳар йили ўтказилиши белгиланган доимий платформа сифатида ўз ўрнини топди. Ў Ўзбекистоннинг глобал ҳуқуқий ҳамжамиятдаги ролини ва минтақадаги етакчи

позициясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Азиз фарзандларим! Халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишлар кутаётганини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг! Юртининг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш дунёдаги энг улуг бахтдир”, дея таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, ана шу улуг бахт сари интилаётган ёшларимиз учун форум нафақат таълим олиш майдони, балки ўз қобилият ва салоҳиятларини намоиш этиш, халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва келажақда мамлакат тараққиётига ҳисса қўиши учун мустаҳкам пойдевор яратди. Бу фақат тадбир эмас, балки янги авлод юристларини тайёрлаш, ҳуқуқий тафаккур ва халқаро мулоқотни ривожлантириш йўлидаги катта ҳаракат бўлиб, ёш ҳуқуқшунослар, давлат хизматчилари ва сиёсатчилар учун инновация, тақриба ҳамда ҳамкорлик платформаси вазифасини ўтайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

Энг асосийси, Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

“Темир йўл вокзалларидан бирини қураётган тадбиркор Анвар Темуровнинг айтишича, беш гектар майдондаги мажмуада замонавий темир йўл ва автовокзал, IT парк, 200 ўринли меҳмонхона, 300 ўринли хусусий мактаб, 200 ўринли болалар мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника бунёд этилади. Шунингдек, тўққизта кўп қаватли турар жой биноси қад ростлайди.

Бундан кўринадики, биргина темир йўл келиши билан бу ҳудудларда нафақат юк ва йўловчи ташиш, балки ободлик, бунёдкорлик, бандлик, сайёҳлик каби йўналишлар ҳам ривожланади.

Ургут тумани нафақат ишлаб чиқариш, балки туризм соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Темир йўл келиши аҳоли узоғини яқин қилиш билан бирга, хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтиради.

Л.ХАЙРУЛЛАЕВ,
журналист

Ҳозир автомобили бор ҳам, йўқ ҳам бир мавзу — жорий йил 1 июндан юртимизда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима баллари ҳисоблаш тизими ишга тушгани ҳақида гапириб, фикр билдираяпти. Аслида, бу мавзу муҳокамаси ижтимоий тармоқларда бир неча ой илгари бошланган. Фикр ва эътирозлар “12 баллик тизим” мавзуси доирасида айланмоқда. Аввалига синов тарикасида қўлланилган тизим июнь ойидан амалда жорий этилди.

Энди ҳайдовчилар янги тизимга мослашишга тўғри келади. Чунки ижтимоий тармоқларда тарқалётган айрим хабарларга кўра, жарима баллари ёзиш аллақачон бошланган. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан киритилган янги тизим йўллардаги қўпол қоидабузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун зарурат бўлгани айтилмоқда. Ҳайдовчиларнинг бу борадаги фикри эса бошқачароқ. Баллар уларга қўшимча босим, йўлларда бемалол ҳаракатланишига яна бир тўсқ бўлишидан норози. Оддий одамлардан сўрасангиз, қоидабузарликлар учун жазо чоралари қанча қатъий бўлса, шунча яхши. Ҳамкасбарларнинг бири эса жарима балларини бевосита ИПХ инспекторлари ёзиши коррупцияга йўл очиши мумкинлигини таъкидлади. Умуман, фикрларнинг ҳар бирида қайсибир маънода жон бор. Хулоса чиқаришдан олдин эса озгина таҳлил қилиб кўришга тўғри келади.

Қизил чирок!

12 баллик тизимнинг шакли ҳам ана шу 12 рақами атрофида тузилган. Яъни 12 ой ичида 12 балл тўплаган ҳайдовчига нисбатан — Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс моддалари асосида тегишли тартибда жазо чоралари қўлланилади. Бу баллар ҳайдовчи томонидан содир этиладиган йўл

ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланади. Балларни қўллаш ва ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 майдаги тегишли қарори билан белгиланган. Янги тизим қоидабузарликларни аниқлашнинг қўшимча шакли бўлиб, амалдаги фото ва видеокамералар қайд этиб борадиган жарималардан ташқари ҳисобланади. Яъни радарлар ёздиган жарималар учун ҳайдовчилар одатдагидек тўловларни амалга оширишда давом этади, аммо бу қоидабузарликлар баллар билан баҳоланмайди. Жарима баллари эса фақат Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари (ИХХХ) томонидан аниқланган қоидабузарликлар ва расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича ёзилади. Бунинг учун жарима тўланмайди, аммо ҳар бир балл ҳайдовчи ҳисобига ёзиб борилади. Бир йил ичида 12 балл тўплаган ҳайдовчи (ижобий маънода эмас) 6 ойдан кам бўлмаган ва 3 йилгача муддатга ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум бўлади.

Баллар қоидабузарлик даражасига қараб 0,2 баллдан 2 баллгача тартибда ҳисобланади. Масалан, тезликни ошириш 0,5 баллдан 2 баллгача (ошиш даражасига қараб), қизил чирокда ўтиш 1 балл, йўл транспорт ҳодисаси жойини тарк этиш 2 балл ёзилишига сабаб бўлади ва ҳоказо. Буни турлича ҳисоблаб кўриш мумкин: йил давомида тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини 60 мартаба бузиш (0,2 балл) ёки йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда 8 марта қатнашиш (1,5 балл), ёҳуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналга ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан 12 марта ўтиш (1 балл) орқали 12 баллни тўплаб олиш ҳеч гап эмас. Юқоридаги 60 рақами жуда каттадек, йил давомида шунча марта қоида бузиш имконсиздек кўринади. Ҳатто “12 баллни олиш осон эмас, бунинг учун ашаддий қоидабузар бўлиши керак” деб келтирилаётган хабарлар ҳам ҳақиқатдек туюлади.

Аммо энг кам баллни ҳисоблаганда шундай. Ҳайдовчи эса йўлда фақат бир турдаги қоидабузарликни содир этмайди ва айрим қоидабузарликлар учун ҳатто 2 баллгача берилиши белгилангани 12 баллни осонгина тўплаш имкониятини оширадигандек. Ваҳоланки, баъзи қоидабузарликларни содир этишда йўл инфратузилмасининг саз ҳолатида эмаслиги сабаб бўлади. Мутасаддиларнинг айтишича, баллик тизимда бу жиҳатлар эътиборга олинган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

— Баллик тизим фақатгина инсон омили билан содир этиладиган ва йўловчиларнинг ҳаётига хавф соладиган қўпол қоидабузарликлар учун жорий этилди, — дейди Ўзбекистон ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти ИХХХ ахборот хизмати бошлиғи Зойир Йўлдошев. — Яъни унинг ичига йўл инфратузилмаси билан боғлиқ, масалан, йўл чизигини босиш каби қоидабузарликлар киритилмаган. Баллар қўпол қоидабузарликлар учун ҳисобланади. Айтилиқ, светофорнинг қизил чирогиде ҳаракатланиш, рухсат этилмаган жойда тўхтаб туриш қабиалар фақат инсон омили билан боғлиқ ва, афсуски, бундай қоидабузарликларни мунтазам содир этиб келаётганлар бор. Қўпол бўлса ҳам айтаман, бир йилда 10 марта қизил чирокда ҳаракатланганидан ҳайдовчини потенциал қотил дейиш мумкин. У қанчадан қанча инсонлар ҳаётига хавф соляпти. Бундай ҳайдовчилар ёки йўл ҳаракати қоидалари ҳақида билмайдилар, ёки билса ҳам уларга амал қилмайдилар. Беписандликнинг ўзи жиддий қоидабузарлик аслида. Кейинги йилларда таҳлил қилинган шу каби ҳолатларга чек қўйиш зарурати юртимиз амалиётида баллик тизим кераклигини кўрсатди. Бундай тажриба Франция, Россия, Хитой, Озарбайжон, Қозғоғистон сингари қўллаб янгиларда мавжуд. Шу боис, бизда ҳам янги тизим бўйича тегишли қонун ва қонун асосида ҳукумат қарори қабул қилинди.

Сариқ чирок!

Жарима балларини тўплаш ёки тўпламаслик ҳайдовчининг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ИПХ ходимининг кўзига камроқ кўриниши кераклиги ҳақида гапирмаёйман. Шунчаки йўлларда белгиланган қоидалар асосида ҳаракатланиш зарур.

Баъзан светофорнинг қизил чирогиде турганимизда, олдимиздан бир машина гижилаб, юқори тезликда ўтиб кетади. Қизил чирокни писанд қилмайди, гўё тўхташ ишорасининг унга алоқаси йўқдек. Орқасидан “Ҳа, бирорта бойнинг боласидир-да, бу қоидабузарлиги учун отнинг калласидеги жаримани тўлаш унга ҳеч нарсас эмас, шунинг учун босиб ҳайдайверди” деб кўямиз. Буни оддийгина қилиб гапирамиз. Тўғри, ўша ҳайдовчи белгиланган жаримани тўлаб, қоидабузарлигининг жавобгарлигидан қутулиб қолади. Аммо Худо кўрсатмасин, шу вазиятда бирорта йўловчини уриб юбори, унинг умрига зомин бўлса-чи?! Бунинг бадалини ким, қандай тўлайди? Биз ҳам бунга оддий муносабат билдира оламизми ўшанда? Йўқ!

Афсуски, бундай ҳолатлар оз эмас. Маълумотларга кўра, 2024 йилда Ўзбекистонда 9364 та йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган. Буларнинг катта фоизи эса ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан. Бу ҳам

бизга бир огоҳлантирув сигналикдек. Яъни светофорнинг сариқ чирог — огоҳлантирувчи белгисида турар эканмиз, газ ёки тор-мозни босиш ҳар кимнинг ихтиёрида. Қоидабузарликлар учун эса жазо берилиши керак. Жазо чораларини қучайтириш зарурати ҳам табиий жараён. Мутасадди айтганидек, бир неча ўн мартаба қоида бузиб, моддий тўлов билангина қутулиб қолаётган ҳайдовчилар жамият учун ҳам зарарли. Қонуний чоралар эса ҳайдовчиларни янада огоҳлик ва ҳушёрликка чақиради.

Баллик тизимга кўра, ҳар бир қоидабузарлик махсус E-jarimaball электрон модули орқали автоматлаштирилган ҳисоб тизимига инсон омилсиз ҳисоблаб борилади. Ҳайдовчилар ўз балларини шу тизим орқали ёки расмий мобил илова ёрдамида мустақил кузатиб бориши мумкин. Маълумотда тўплаган жарима баллари, қабул қилинган қарор рақами ва санаси қабиалар кўринади.

Агар баллар сони 8 тадан ошса, ҳайдовчига СМС орқали огоҳлантирув юборилади. 12 балл тўплаганда, маълумот маъмурий чора кўриш масаласини кўриб чиқиш учун судга юборилади. Ҳайдовчи судда баённомага қарши шикоят билдириши мумкин, асосли бўлса, қарор ва баллар бекор қилинади. Суд қарори ҳам E-jarimaball тизимига юкланади ва баллар автоматик тарзда ўчирилади. Аксинча ҳолатда эса ҳайдовчи 6 ойдан 3 йилгача муддатга ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Жарима баллари асосида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш ҳам кўзланган.

Яшил чирок!

Бир танишим узоқ йиллар ишлаб, сира меҳнат таътили олмагани ҳақида гурураниб гапирди. Бошқа бири эса банкдан умуман кредит олмагани ва бу муаммога қиянчилини ҳам истамаслигини айтди. Яна бири ҳаёти давомида суд ишларига қиян бормаганидан хурсанд. Аммо, ишонсангиз, шу пайтгача “Бирор марта радарга тушмаганман” деган ҳайдовчини учратмадим!

Бу бизнинг йўл ҳаракати қоидаларига беписанд қарашимиз билан боғлиқ бўлса керак. Ҳатто бу болаликдан шакллангандек. Мактаб дарсларида доим “Йўлнинг белгиланган қисмидан ўтинглр, қизил чирокда ҳаракатланманглр” дейилганига қарамай,

кўчада катталар қўлимиздан маҳкам ушлаб, йўлнинг исталган қисмидан олиб ўтгани, ер ости йўли бўла туриб, биргаликда автомобил йўлидан югуриб ўтганини миямизда муҳрлаиб қолгандек. Бунинг асоратлари ҳозир ҳам бор. Ишхонамиздан бир неча метр нарида светофор бўлишига қарамай, айнан ишхона рўпараси — йўлнинг исталган қисмидан “чоғурамиз”.

Баллик тизим ҳайдовчиларни анча ҳушёр тортирса керак. Чунки белгиланган балл тўплаган қолса, жарима пули билан қутулиб бўлмайди, камида 6 ой ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилади. Асосий тирикчилиги ва даромади таксичилик бўлган кишилар учун бу анча жиддий муаммо. Шунга қарамай, одамлар орасида бу балларни ҳисоблашда фақат ИПХ инспектори баённомалари эмас, балки радарлар жарималари ҳам қўшилиши керак, деган жиддий муносабат ҳам бор. Уларнинг фикрича, бу йўл транспорт ҳодисалари сезиларли камайишига олиб келади. Бу гапда жон бор, аммо бунинг учун янги тизимни қайтадан шакллантириш керак. Чунки радарлар жарималари ҳам қўшилса, ҳайдовчиларнинг аксарияти ҳеч қанча вақт ўтмай 12 баллни тўплаб олади. Аслида, бу ачинарли ҳол. Аммо радарлар жарималари қўшилиш, 12 балл бир йил учун анча камлиги ҳолис қараганда ҳам кўринади.

Шунга қарамай, кейинчалик фото ва видео қайд этиш мосламалари орқали аниқланган қоидабузарликлар учун ҳам жарима баллари ёзиш масаласини кўриб чиқиш назарда тутилган. Аммо бу камералар қайд этган қоидабузарлик вақтида автомобиль рулидаги шахсни идентификация қилиш имконияти яратилганидан кейингина амалга оширилиши айтилмоқда.

Қарорда янги тизим бўйича ҳайдовчилар учун имтиёз ва рағбат ҳам борлигига кўзим тушди. Бир йил давомида қоида бузган ва балл олмаган ҳайдовчилар рағбатлантирилган экан. Дарҳол, бу рағбат қай шаклда бўлишига қизикдим.

— Тартибга кўра, жарима баллари ҳайдовчилар қоидабузарлигини биринчи марта содир этган кундан бошлаб келинги йил шу кунга қадар амалда ҳисобланади. Агар шу вақт ичида ҳайдовчи умуман қоидабузарлик содир этмаса ва балл йиғмаса, рағбатлантириш тарикасида навбатдаги йилда ёзилган биринчи жарима бали ҳисобланмайди, — дейди Зойир Йўлдошев. — Бордини, йил давомида биринчи балли йиғиб, ундан кейин такроран умуман қоидабузарлик содир этмаган тақдирда ҳам навбатдаги йилда олган биринчи бали чегириб ташланади. Шунингдек, ҳайдовчи охириги ҳуқуқбузарлиги учун жарима ҳисобланган вақтдан бошлаб 6 ой давомида умуман қоидабузарлик содир этмаса, умумий тўплаган балларидан 2 балл чегирилади. Бир йил ичида жарима баллари 12 баллга етмаса, ҳайдовчига қонуний жазо чораси қўлланилмади ва бунгача тўплаган баллари келаси йил даври учун ҳисобланишига йўл қўйилмайди. Навбатдаги йилдан жарима балларини ҳисоблаш янгидан бошланади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бир ҳудуд — бир маҳсулот

ВОДИЛЛИКЛАРНИ БОЙ ҚИЛАЁТГАН НЕЪМАТ

Фарғона туманидаги Водил қишлоғида малина йиғим-терими мавсуми қизғин паллага кирди. Маҳсулотнинг бозори чаққон. Бир килограмм малина кўтарма нархда 18-20 минг сўмгача сотилмоқда. Ўн сотих малиназордан қунора ўрта ҳисобда 80-100 килограммгача ҳосил терилиши ҳисобга олинса, даромад чўғини чамалаб олиш қийин эмас.

Берган кооператив ҳар бир қадоғи учун 3000 сўмгача компенсация олиш имкониятига эга, — дейди Фарғона вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Элдор Турсунқулов.

Харажатлар “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан қоплаб берилади. Бир солиқ даврида маҳсулотларни замонавий қадоқда реализация қилган тадбиркорларнинг ижтимоий ва фойда соҳидаги 1 фойз этиб белгиланди. Аграр соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш учун 5 гектардан ортқ ерга эга деҳқон ва фермер хўжаликларига 20 сотихгача бўлган майдонда қайта ишлаш, саралаш ускуналари, музлаткичлар қўриш каби кўпбал имтиёзлар берилган экспорт саломини

Маҳсулот етиштириш ва аънавий усул қиёбланганда 10 фойздан ортқ ҳосил териб олиш имконини беради.

Фарғона туманида малиначилик жадал ривожланиб, ҳудуд драйверига айланди. Ўтган йилнинг ўзида ҳудуд об-ҳавоси, ер шароитига мос бўлган 57 гектарга Италиянинг серҳосил малина кўчатлари экилди. Жорий йилнинг сўнгига қадар яна 143 гектар майдонда малина плантациялари ташкил этилади.

Соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ҳамда хорижий тажриба кент жорий этилиши натижасида тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда экспорт салоҳияти йилдан йилга юксалиб бормоқда. Қизилкўрғон массивида 300 гектардан ортқ самарасиз бог ўрнида янги малиназорлар яратилди. Тумандаги 5660 дан зиёд шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер ва деҳқон хўжалигининг 1000 гектардан ортқ майдонда етиштирилаётган малина ҳосили дунё бозорларига кириб бормоқда.

“Дилқушо” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келаётган Акбар Мелибоев меҳнат миграциясидан қайтган ёшлардан. Унга яшаш жойига яқин ҳудуддан таратқуд кўрпаниз ташкил этиш учун 10 сотих ер ажратиб берилган. Яхши ниятда экилган ниҳоллар бутун қийғос ҳосилга кирибди.

Биринчи ҳосилдан 50-55 миллион сўмдан ортқ даромад олишни кўзлаб турибмиз, — дейди томорқа ишлари билан андармон Акбар. — Кузги ҳосил ҳам мўл ва сифатли бўлиши учун ҳозирдан таратқуд кўрпаниз. Экинлар тағини юмшатиш, маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, сувга қондирш муҳим амаллардан. Ўнг муҳими, оилам, ота-онам ёнидаман. Даромад чўғи ҳам чакки эмас. Яратиб берилган имконият, имтиёзлар туфайли уй-жойимни тикладим, фарзандларим богчага боряпти. Бу йил машина олишни мақсад қилганман.

Айтишларича, кўҳна қишлоқ деҳқончилик маданиятига бу ноёб ва фойдали экан тури кириб келганига саксон йилдан ошган. Эмишки, водиллик йигит Иккинчи жаҳон уруши туғганидан сўнг уйига қайтаётди, ўзи билан унинг кўчатини олиб келган.

Ўсимлик салқин ҳаво ва нам тупроқда яхши ривожланади. Шу боис, сўлим Водилнинг муссаффо ҳавоси ушбу экан тури ривожланиб, даромад манбаига айланилади ўзига хос ўринга эга.

Малина нафакат даромад манбаи, мазали таъми, балки шифобахш хусусиятлари билан ҳам ажралай туради. Унинг меваси имунитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради, кексаликни секинлаштириди, ёшларни эри-тади, овқат ҳам қилишни меъёрида ширати, шамоллаш, саратон юзага келишининг олдини олади, қондаги қанд миқдорини назорат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тақдимот



Буюк алломалар юрти

Муқаддас кутубхонага “Саҳиҳи Бухорий” ва “Сунани Термизий” шарҳлари тортиқ қилинди

Музаффархон ЖОНИЕВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бошланиши 1-бетда

2023 йилда эса Ўзбекистон фуқаролари учун умумий ҳаж квотаси 12 мингдан 15 минггача оширилди. Бу йилги “Ҳаж-2025” дастури бўйича маросимларни бажариш истагида бўлган зиёратчилар Ўзбекистоннинг 10 та минтақавий халқаро аэропортидан муқаддас манзилларга етказилди. Ҳозирги кунда 15 минг 200 нафарга яқин ўзбекистонлик мусулмонлик бурчини адо этиш, халқимиз ва мамлакатимизнинг тинчлиги ҳамда тараққиёти учун дуо қилиб, муқаддас шаҳарларда бўлиб турибди. Айтини пайтда уларга 300 га яқин малакали гуруҳ раҳбари, 50 нафар олий тоифали шифокор, ошпазлар, таржимон ва бошқа кўмакчилар ҳамроҳлик қилмоқда. Айниқса, юрт раҳбари томонидан зиёратчилар ҳолидан хабар олиб турилиши юксак эътиборнинг ўзига хос намунаси бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги ҳамда 2017 йил 27 мартдаги қарорлари асосида Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди.

Уларнинг асосий вазифалари ислом дини, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ҳадис илмининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган ватандошимиз Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг улкан илмий ва диний меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-исоҳил таржима ва қиссий матнларини нашр этиш орқали халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

Жорий йил ҳаж сафари мавойинда Имом Бухорийнинг юқоридagi мактаблар томонидан нашрга тайёрланган “Саҳиҳи Бухорий” ва Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” асарлари шарҳларининг 1-4-жилдлари Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в) абадий қўним топган, бутун дунё мусулмонларини ҳаж ва умра зиёратлари асосида бир жойга тўплаган замин — Мадинаи мунавварада жойлашган Маскидун Набавий кутубхонасига топширилди.

Ҳаж зиёратидек муборак сафар жараёнида Маскидун Набавий кутубхонасида ислом цивилизациясида муҳим ўрин тутган улуг алломаларимизнинг илмий меросларидан иборат, ўзбек тилидаги адабиётларга мўлжалланган “Ўзбекистон бурчаги” ташкил этилиб, “олти саҳиҳ ҳадис”дан саналган “Саҳиҳи Бухорий” ва “Сунани Термизий” шарҳларининг 1-4-жилдлари тақдим этилди. Китоблар Маскидун Набавий кутубхонаси хорижий тиллар бўлими бошлиғи Аҳмад Наим Мулла томонидан қабул қилиб олинди.

Тадбир жараёнида “Саҳиҳи Бухорий” ва “Сунани Термизий” асарларининг “олти саҳиҳ ҳадис” даражасидаги ўрни хусусида тўхталиниб, Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг ислом дини тараққиётидаги хизматлари алоҳида эътироф этилди. Жумладан, Маскидун Набавий кутубхонаси бўлим бошлиғи Аҳмад Наим Мулла ислом

Нуктаи назар

“Миллий контент деганда фақат бошдаги дўппи тушунилмади. Атлас либос ёки чопон кийдириш, белбоғ боғлаш билан контент миллий бўлиб қолмайди. Аслида, “миллий” сўзи контентнинг гоёсига нисбатан ишлатилиши керак. Образлар дўппи ёки чопон кийиши, кўриниши миллий бўлиши мумкин, лекин контентнинг гоёси, қаҳрамонлар илгари сураётган мақсад миллийлигимизга мос бўлмаса, ундан ёмони йўқ. Ишланаётган баъзи мультфильмларда ана шу жиҳат инобатга олинмапти. Чунки миллий контент деганда ижодкорларимизнинг кўз олдида, биринчи навбатда, миллий либос гавдаланади.

Бошланиши 1-бетда

ҒОЯСИ ВА МАЗМУНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ДЕГАНДА ФАҚАТ ДЎППИ ТУШУНИЛМАЙДИ

Жаҳонгир АҲМЕДОВ,
Болалар контенти ривожлантириш маркази директори:

— Миллий контент деган гаплар жуда кўп ва ҳў гапирилди. Ўзи миллий контент нима, унинг мазмуни, гоёси қандай бўлиши керак деган саволлар ҳамон баҳсли. Айниқса, болалар учун тайёрланган миллий контент тақомилга муҳтож.

Қанчалик ривожланмасин, толерант, бағрикенг бўлмасин, ҳар бир миллатнинг ўзигини сақлаб қолишга интилишига кўп гувоҳ бўлганмиз. Ўзбекистон — дунёга очик давлат. Юрдошларимиз истаган мамлакатига бориб келмоқда, диёримизга келаятган сайёҳлар йилдан йилга кўпаймоқда. Демак, маданиятлар, қадриятлар қоришуви юз берапти. Шу нўқтан назардан, ахборот мақонидаги болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир қиладиган контенти таҳлил қилиб туриш фойдаларини холи бўлмайди.

Миллатнинг руҳи, маънавий дунёси авлоддан авлодга, аввало, ахборот мақони орқали ўтади. Болалар мультфильмлар ва бошқа экран асарлари орқали ўзининг миллатга мансублик туйғусини, қадриятларини, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунасини шакллантиради.

Шунинг учун ҳар бир контент, ҳар бир экран асари орқали бола онгига “Менинг миллатим, менинг оилам, менинг ватаним ва менинг қадриятим бор” деган тушунарлини шакллантириш лозим.

Миллий контент деганда фақат бошдаги дўппи тушунилмади. Атлас либос ёки чопон кийдириш, белбоғ боғлаш билан контент миллий бўлиб қолмайди. Аслида, “миллий” сўзи контентнинг гоёсига нисбатан ишлатилиши керак. Образлар дўппи ёки чопон кийиши, кўриниши миллий бўлиши мумкин, лекин контентнинг гоёси, қаҳрамонлар илгари сураётган мақсад миллийлигимизга мос бўлмаса, ундан ёмони йўқ. Ишланаётган баъзи мультфильмларда ана шу жиҳат инобатга олинмапти. Чунки миллий контент деганда ижодкорларимизнинг кўз олдида, биринчи навбатда, миллий либос гавдаланади. Қаҳрамонларимизнинг дунёкараши, гоёяйлиги миллий бўлиши лозим. Болаларимиз улардан миллий гоёни олиши керак. Мана шу масалалар муҳокаманинг бош мавзуси бўлаётгани — асосий воқеа.

Болалар контенти — келажак авлоднинг дунёкараши, тарбияси ва қадриятларини шакллантирувчи энг таъсирчан восита. Биз катталар — бобо ва бувиларимиз айтган эртаклар орқали яхшилик билан ёмонликни ажратишни, қайси йўл тўғри, қайси йўл хато эканини аниглаб ўлғайганмиз. Бугун эса болаларимизга бу сабоқни телефонлар, гаджетлар ва анимацион қаҳрамонлар берапти.

Афсуски, болаларимиз бугун, асосан, чет эл махсулотлари — уларнинг қарашлари, қаҳрамонлари ва тарбия усуллари билан ўлғаймоқда. Миллий контент эса ҳали етарли эмас. Шунинг учун бу йўналишда жиддий ва қатъий чоралар кўриш вақти аллақачон келган. Ҳар бири-миз уйга қирар эканмиз, хоҳлаймизми-йўқми, болаларнинг ўйинчоғи бўлган гаджетлар, смартфонларга дуч келамиз. Ўхшаслиги билан ёмонлик билан эзгулик ўртасидаги кураш ҳамда улар нима экани ҳақидаги тушунча менда бобомдан, бувимдан эшитган эртаклар орқали шаклланган. Лекин бугунги болаларда бу тушунарлини хорижий контентлар шакллантираётти. Улар эса бир неча озолаб сериядан иборат. Ота-оналар бошидаги 5-6 та серияни кўради, қолганига эътибор бермайди. Лекин асосийси кейин давом этади.

Биз томоша қилган мультфильмларда салбий қаҳрамонларнинг кўриниши бор эди. Улар дахшатли, ёвуз қиёфада бўларди. Бу қиёфалар ҳозир ижобий қаҳрамонга айлантирилган. Болалар бугун ваҳший қаҳрамонларни яхши кўряпти ва улар асосида ясалган ўйинчоқларни ўйнаётти. Шунан сезаманмиз. Бугун бизнинг болалигимизда ёвуз деб ҳисобланган қаҳрамонлар хорижий контентларда ижобий қаҳрамонларга айлантирилди. Ўзини улар тишлади, ейди, ўлдирди, бўктиради, чўктиради. Болаларимизда ваҳшийлик — бу меъёр деган кўнникмани шакллантириб қўйяпти.

Дунё бўйича ҳар сонияда 12 бола интернетга уланади. Бир дақиқада 3,5 миллион видеоролик YouTube тармоғига юкланади. Уларнинг 30 фоизи турли тўрвонлик, ёвузлик



МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

ҒОЯСИ ВА МАЗМУНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ДЕГАНДА ФАҚАТ ДЎППИ ТУШУНИЛМАЙДИ



ва ахлоқсизликни тарғиб қиладиган контентлардир.

Айни пайтда Ўзбекистонда 5-16 ёшли болаларнинг 71 фоизи ҳар куни смартфондан фойдаланади. Улар кўрадиган контентнинг 80 фоизи хорижий ва миллий қадриятларимиздан йироқ. Содда қилиб айтганда, болаларни биз дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараб боқяпмиз, тарбиясини эса бошқалар берапти.

Бугун қўдратли мамлакатларнинг болалар контентида “юмшоқ куч” сифатида фойдаланиши, яъни ўзининг хос маданияти, қадриятлари ва гоёлари орқали бошқа халқларга таъсир ўтказишга уриниши аллақачон кенг тарқалган стратегия ёндашувга айлиб улгурган.



Болалар учун мўлжалланган ҳар қандай контент чин инсоний фазилатлар — меҳр-оқибат, ҳалоллик, жасорат, ватанпарварлик, садоқат ва эзгулик каби қадриятларга асосланган бўлиши шарт.

Мутахассислар кўпроқ мультфильмларнинг гоёсини назорат қилиш, уларга йўналиш беришга интилади. Агар соҳага кириб келётган кадрларнинг миллий гоёни қандай тўлиқлиги билан шугулланиса, шунга эътибор қаратилса, контент ўз-ўзидан яратилади.

Миллий контент яратишга ҳаракат қилаётган, бугундан бошлаб катта ижода тортса бўладиган ёшларимиз борлиги одами мамнун этади. Улар яратаятган ижодий ишларнинг гоёси ҳозирча мустаҳкам, етук бўлмаслиги мумкин. Лекин катта мутахассисларда умид уйғотаятган ёшларимиз етишиб келяпти.

Кадрлар масаласини ҳал қилмай туриб, бирор соҳани ривожлантириш бўлмайди. Бизга ҳозир умрини, бутун салоҳиятини, иқтидорини болалар учун контент яратишга сарфлайман, деган ёшлар “армияси” керак. Кейин контентларни кўпайтириш, параллел равишда глобал бозорга чиқиш ҳақида ҳам ўйлашни зарур.

Олдинда қилиниши лозим бўлган иш кўп. Салоҳиятли ёшлар билан ишлашни йўлга қўйишимиз даркор. Улар ўйлаганимиздан кўра бизга анча яқин. Фикрлаяпти. Ҳатто чизмалар, қилаётган ишлари ҳам бугун профессионал даражада. Уларни катта ижода йўналтириб юборса бўлади. Энг муҳими, интернет тармоқларини болалар учун яратилган миллий контентлар билан тўлдиршимиз керак.

БУ БОЛАЛАР БИЛАН БИРГА КАТТАЛАРГА ҲАМ БИРДЕК ДАХЛДОР МАСАЛА

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори, профессор:

— Президентимиз қарори билан Болалар контенти ривожлантириш маркази ташкил қилингани фарзандларимизни ёт гоёлардан ҳимоя қилиш, урф-одат ва анъаналар руҳида тарбиялаш, эртамиз эгалари қалбида ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Чунки бу болалар билан бирга катталарга ҳам бирдек дахлдор масала. Ватан мустақиллиги унинг бадий жиҳатдан қандай талқин этилиши билан боғлиқ. Урф-одат, анъаналар, расм-русумлар билан бирга ёзма матнлар миллатнинг харақтерини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бадий образлар орқали талқин, идрок этиладиган ҳолатлар миллий контент деб аталади.

Миллий контент катта кучга эга. У мазмуни ва гоёларининг қўдрати билан миллатнинг харақтерини бемисл даражада ўзгартириши, маънавий бойиши ёки қашшоқлашувига сабаб бўлади. Ўтган асрнинг 50-йиллари охири — 60-йиллари бошида суратга олинган “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида ўзбек халқининг нечоғлиқ бағрикенглиги, ҳаётининг мазмундорлиги, жамоавий руҳининг кучлилиги, энг муҳими, миллий харақтеримизнинг ўзгаришларга тайёрлиги, қарама-қаршилик кураши фониде халқимизнинг ўз урф-одати, анъаналари



қиёфасини таъсирчан воситаларда кўрсатиб берадиганлари кам.

Зиёлиларга етук асарлар учун яхшигина ҳақ тўлашни лозим. Шундагина мағзи тўқ, кишиларнинг тафаккурини ўзгартирадиган баркамол асарлар яратилади. Ҳозир шиддат билан ривожланимиз. Аммо одамларда шукрона етишмапти. Нима учун? Шукроналикни тарғиб этадиган миллий контент, роман, қисса, асарлар етишмапти. Зўр роман ёки қисса ёзилди, унинг тарғиботи бўлиши шарт. ОАВда мутахассислар, экспертларнинг шу асар ҳақидаги таҳлилларини ёритиш керак.

Миллий контент яратаятган одамларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, зарурий асарлар яратиш бўйича буюртма бериш тартибини жорий қилиш, олдиндан муайян мавзу бўйича ишлаётган ёзувчилар, олимларга субсидия ажратиш амалиётини ижодийта киритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозир миллий ўзликини сақлаш ва ривожлантириш учун одамларда стандарт тафаккурни шакллантириш керак. Ана шу таомил бўзилапти. Одамлар миллат, анъана, урф-одат, таълим соҳаси ҳолати ва истиқбол хусусида ҳар хил хулосалар чиқармоқда, турлича фикр юритмоқда. Табиийки, эркин жамиятда одамлар турфа хил ўйлаш одадий ҳол. Аммо миллат тарбияси, келажак авлод тақдири масаласида муайян даражада миллий бирхиллик, умумий қарашлар зарур. Масалан, бола боғчага нима учун боради? Боғчаларда ўзбек тилининг гўзаллиги, уни қандай севиш ва ардоқлаш кераклиги етарли аниқланмаган ва давлат тилимизни бадий образлар орқали синдириш тизими суст. Миллий тилимизни болалар фақат номига ўтказилган битта-иккита машғулот орқали эмас, балки миллий урф-одат, анъана, одоб-ахлоқ, тартиб-қоидалар, буюк мутафаккирларнинг қисса-қисса шеърлари орқали ўрганмоғи ва тафаккурини синдириш бугуннинг муҳим талаби бўлиб қоляпти.

Биз мустақил давлат сифатида ўзимизга ўхшашлигимизни тарғиб қилишимиз, бунинг учун эса боғчада, мактабда бир хил миллий ўзлика йўғрилган гоёявий тарбияни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг номи стандарт тафаккурни шакллантириш, дейилади. Илгари ҳамма бир хил романини ўқирди-да, ўша ерда муҳокама бўларди. Ҳозир вақт топишда умумий масалаларда суҳбат билан кифояланамиз. Шунинг учун ҳам стандарт тафаккур, савия ва дидин бутун миллат даражасида шакллантириш зарурати юзага чиқаяпти.

Идеология доим бошқарилган. Бу — ақл, фикр ва режа билан бошқариладиган жараён. Биз илдири ерга чуқур қирган халқмиз. Маънавиятимиз жуда ҳам мазмундор ва гўзал. Шу гўзал маънавиятни одамларимиз кўриши ва теран ҳис этишини таъминламоғимиз керак.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

